

ТЕХНОПАРК – КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Салимов Шерзод Бахтиёрович,
Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институти
тадқиқотчиси

E-mail: btsalimov1948@gmail.com

Аннотация. Мақолада кичик ва ўрта бизнесни (КЎБ) имитацион инновацион ривожлантиришида технопаркларнинг аҳамияти, технопарк тушунчаси, таркиби қисмлари, турлари, классик технопаркнинг таркибий элементи бўлган инкубаторлар, уларнинг вазифалари таҳлил қилинган ва мамлакатимизда барпо этилган “Яшнобад” технопаркнинг мақсади вазифалари, бшқарув тизими ва уни ривожланишидаги тўсиқлар, уларни бартараф этиш чоралари урганган.

Калит сўзлар: кичик ва ўрта бизнес, технопарк, инкубатор, имитацион инновацион ривожланиш, инновацион инфратузилма, илмсифимли, юқоритехнологик маҳсулот, технополис, технологик марказ, инкубацион корхона.

Аннотация. В статье анализируются роль и значение технопарков в имитационно инновационном развитии малого и среднего предприятия (МСП), понятие технопарка, его структура, виды, основной элемент классического технопарка инкубаторы, их цели и задачи. Изучены цели, задачи, система управления и сдерживающие факторы развитию “Яшнобад”ского технопарка и меры по его развитию.

Ключевые слова: малый и средний бизнес, технопарк, инкубатор, имитационно инновационное развитие, инновационная инфраструктура, наукаемкий, высокотехнологичный продукт, технополис, технологический центр, инкубационное предприятие.

Abstract. The article analyzes the role and importance of technoparks in the imitation and innovative development of small and medium-sized enterprises (SMEs), the concept of a technopark, its structure, types, incubators, the main element of a classic technopark, their goals and objectives. The goals, objectives, management system and constraining factors for the development of “Yashnobad” technopark and measures for its development have been studied.

Key words: small and medium business, technopark, incubator, simulation innovative development, innovative infrastructure, science-intensive, high-tech product, technopolis, technology center, incubation enterprise.

Кириш

Илм-фан ютуқларини ва инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш мамлакатимизнинг жадал ривожланишининг муҳим шarti [1]. Маҳсулотларга талабнинг ортиши, рақобатнинг кучайиши, билимлар иқтисодиётига ўтиш ва корхоналар ўртасида иқтисодий ўзаро алоқаларнинг кенгайиши кичик ва ўрта бизнесни (КЎБ)нинг ривожланиши инновацион характерда бўлишига олиб келмоқда. КЎБнинг инновацион ривожланишида уни қўллаб-қувватловчи инфратузилма субъекти бўлган технопарклар муҳим ўрин тутди [10].

Адабиётларда “Технологик парк”, “Технополис”, “Тадқиқотлар парки” бир-бирига яқин тушунчалар сифатида қаралади. Уларнинг асосий мақсади мамлакатнинг инновацион сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади. Технопаркнинг стратегик вазифаси – маҳаллий ҳокимият, илмий тадқиқот институтларини, олий таълим муассасаларини, банклар ва бошқа ташкилотларни ягона платформада бирлаштириб,

уларнинг инновацион фаолиятини фаоллаштириш [8]. Технопаркларнинг мақсади: фойдани ошириш; маҳсулот сифатини ошириш; маҳсулот таннархини пасайтириш; янги маҳсулот турини ўзлаштириш; ички бозорда маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш; ташқи бозорда маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш; хомашё ва материалларни иқтисод қилиш; ишчиларнинг иш жойларини яхшилаш; заҳарли чиқиндиларни қисқартириш. Мақолада қўйилган асосий мақсад-технопаркларнинг КЎБ ни инновацион ривожлантиришдаги ўзини, мақсади, вазифаларини, таркибини ва турларини урганиш ва мамлакатимизда барпо этилган “Яшнобод” технопаркининг вазифасини, бошқарув тизимини, фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Технологик паркларнинг халқаро уюшмаси томонидан 2002 йилда [8] қўйилган стандартларга кўра, технопарклар инновацияларни ривожлантириш маркази сифатида қўйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- университетлар, илмий тадқиқот ташкилотлари ва бизнес ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш;
- технопарк резидентларига имтиёзлар, грантлар олиш ва молиявий ёрдам кўрсатиш;
- имконият даражасида махсус ускуналар билан таъминлаш ва ҳоказо.

Стулов О.В., Чевычелова Н.Е. ишида [9] технопарк керакли асбоб-ускуналар ва юқори малакали кадрлар билан таъминланган ахборот ва экспериментал база асосида тадбиркорларни илмий-техник соҳада ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратувчи инновацион инфратузилма субъекти деб қаралади ва технопаркнинг самарали ишлашининг қўйидаги базис шартлари кўрсатилган:

- яхши илмий-техник салоҳиятга эга бўлган университетларнинг бўлиши;
- ривожланган алоқа ва транспорт коммуникацияси;
- илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси: лаборатория ва тажриба ишлаб чиқариш хоналари, илмий-техник ходимлар учун офислар;
- яшаш инфратузилмаси: яшаш жойлари, тиббий хизмат, савдо ва овқатланиш тармоқлари ва ижобий ижтимоий муҳит.

Ишда жаҳон иқтисодиётида индустриал турдаги технопаркларнинг ташкилий моделлари ўзига хос хусусиятларига кўра таҳлил қилинган. [10] ишда Россия технопарклари, уларнинг хусуситлари, фаолият натижалари ва риожланиши тўсиқлари таҳлил этилган. Лазарев В.С. [5] ишида технопарк ва бизнес инкубаторлар фаолиятининг хориж тажрибаси урганилган. Маҳаллий олимларнинг ишларида Абдусатторов Х.М. [3] ишида инновацион стратегия, уни ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари урганилган. Умаров И.Ю., Саилкаримова С.С., ва Облақулов Ш.Б. ларнинг ишида [11] инновацион стратегия, уни мақсади, таркиби, ишлаб чиқишнинг хусусиятлари, саноат корхонасининг инновацион салоҳияти, кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш масалалари урганилган. Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А., ва бошқалар [13] ҳамда Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.К., Гольдман Е.Д. ларнинг дарсликларида [14] инновацион фаолият уни ташкил этиш ва бошқариш масалалари ва инновацион инфратузилма элементлари очиб берилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда тизимли ёндошув, дедукция ва индукция ва мантиқий таҳлил усулларида фойдаланилган. Мамлакатимизда технопарк, бизнес инкубатор, инновацияни қўллаб-қувватловчи инфратузилма элементлари ўзининг бошланғич

ривожланиш босқичида эканлигини эътиборга олган ҳолда мақолада ривожланган хорижий давлатларда самарали фаолият юритаётган технопарклар тажрибаси, уларни ягона тизим сифатида ишлашни таъминлайдиган таркибий қисмлари, асосий шартлари урганган. Шунинг учун ҳам шулар асосида мамлакатимизда технопаркларни самарали ишлашни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар анқ ва ишончли деб ҳисоблаймиз.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон иқтисодиётида индустриал турдаги технопаркларнинг ташкилий моделлари, булар Америка, Европа, Япония ва Хитой Халқ Республикаси моделлари. Америка модели: мақсади – университет томонидан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва инновацион маҳсулот яратиш учун ер майдонларини илмсиғимли фирмаларга ижарага бериш ва уларга хизмат кўрсатиш; бу ерда давлатнинг қатнашиши назарда тутилади.

Европа модели: мақсад – илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишни тезлаштириш, иқтисодий фаолликни ошириш, янги иш ўринлари яратиш. Бу ерда технопарклар, асосан, университет кампусларида жойлаштирилади, технопарклар кўпроқ инкубатор турида, давлат буюртмасига кўра молиялаштирилади, имтиёзлар ва преференциялар берилади. Шунини таъкидлаш керакки, ягона Европа модели йўқ.

Япония модели: мақсад – перифериядаги районларни ривожлантириш, юқори қўшилган қиймат яратувчи, илмсиғимли ва ривожланиш босқичида бўлган тармоқларни ривожлантиришда технополислардан фойдаланиш; тадқиқот ва технологик марказларни, янги университетларни, турар жой, маданий ҳордиқ чиқариш парклари ва маданий марказларни ўз ичига олувчи янги фан шаҳарларини технополис мезонлари асосида қуриш.

Хитой технопарклари: мақсад – миллий илмий-техник ютуқларни коммерциализация қилиш, устувор тармоқларни ривожлантириш, янги ускуна ва технологияларни яратишда миллий ва хорижий капитални жалб қилиш масалалари, технопарклар технологик бюрolari, илмсиғимли корхоналар, университетлар, илмий тадқиқот институтларининг ўзаро алоқасига асосланади, маҳаллий ҳокимият, шаҳар ва минтақа билан алоқада, парклар давлат томонидан бошқарилади ва молиялаштирилади, давлат илмий тадқиқот институтлари ва университетларнинг илмий ишланмаларини ўрта ва йирик корхоналарга жорий қилиш орқали уларни коммерциализация қилиши масалалари қаралган.

Лю Сяоцзюань ва Пинягин Ю. ишларида [6], халқаро технопарклар ва Хитой халқ республикаси технопарклари таҳлил этилган. Технопаркнинг классик таркиби иккита қисмдан иборат: технопаркнинг “ядриси”, кичик корхоналар ва йирик компанияларининг шуъба фирмаларининг бизнес-инкубатори. Японияда “Технополис” лойиҳасини амалга ошириш 1982 йилда қабул қилинган. “Технополис” барпо этиш учун тўртта оролда 19 та зона танланган. Барча технополислар қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

1. “Технополис” жойлашган жойга бориш вақти 30 минутдан ошмаслиги керак ва Токио, Нагои ва Осакидан бориш бир кун ичида бўлиши.
2. Аҳоли сони 200 мингдан кам бўлмаслиги.
3. Эгаллайдиган жой 500 мил квадратдан кам бўлмаслиги.
4. Илмий саноат комплекслари, университетлар ва тадқиқот институтларининг бўлиши (илмий тадқиқот институтлари, кадрлар тайёрлайдиган университет, илмий ишланмалар жорий қилинадиган ишлаб чиқариш тармоқларининг бир жойда бўлиши

ва яшаш шароити бўлиши – “Технополис”нинг асосий хусусияти).

5. Худуднинг табиий шароитига мос бўлиши. Мисол сифатида Токио шаҳридан 35 мил узоқликда жойлашган “Миялар шаҳри” – Цукуба. Унда 11 500 киши яшайди, 50 та давлат тадқиқот институти, 2 та университет ва Япониядаги жаҳонда етакчи бўлган 98 та давлат тадқиқот институтидан 30 таси жойлашган [14]. Цукуба технополисининг мақсади – амалий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган инновацияларни коммерциализация қилиш [12]. Ишда технопаркларнинг таркибий бирлиги бўлиб марказлар ҳисобланади. Технопаркнинг таркибида қуйидаги марказлар фаолият юритади:

- инновацион технологик марказ;
- ўқув маркази;
- маслаҳат маркази;
- ахборот маркази;
- маркетинг маркази;
- саноат зонаси.

Ҳар бир марказ ихтисослашган хизматлар турини кўрсатади. Масалан, мутахассисларни ўқитиш хизмати, маълум бир технологияни топиш бўйича ёки патентлар бўйича ахборот бериш хизмати. Бу марказларнинг технопарк таркибида ягона тизим сифатида ишлаши инновацион фаолият самарадорлигини оширади. Кўп ҳолларда технопарк таркибида ядро сифатида инкубаторлар қатнашади. Инкубаторлар инновацион инфратузилманинг таркибий элементи бўлиб, инновацион бизнес субъекти сифатида мустақил фаолият юритиши мумкин. Бизнес-инкубаторлар кичик ва ўрта корхоналарни ривожланишининг бошланғич босқичида уларга ахборот, маслаҳат, бино ва ускуна ижараси ва бошқа хизматлар кўрсатади. Бизнес-инкубаторлар биноларда жойлашади, мижоз фирмаларнинг инкубация вақти, одатда, 2-3 йилга чўзилади, ундан кейин улар инкубатордан чиқиб, мустақил фаолият кўрсатади.

Бизнес-инкубаторларни шакллантиришда КЎБни қўллаб-қувватлаш бўйича қўйиладиган мақсадлар ҳар хил бўлиши мумкин:

- инновацион фаолиятини фаоллаштириш;
- барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш;
- уларнинг сонини ошириш;
- уларнинг самарали ривожланиш тажрибасини оммалаштириш;
- янги иш ўринлари ва янги ишлаб чиқаришларни яратиш;
- технологик, иқтисодий, ҳуқуқий ёрдам бериш;
- бино ажратиш, бошқарувни ташкил этишга ёрдам бериш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- бизнес-режани ишлаб чиқишга ёрдам;
- маркетинг изланишларга ёрдам бериш;
- лойиҳаларнинг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш ва ҳоказо.

Таъкидлаш жоизки, технопарклар бизнес-инкубаторлардан фарқ қилади:

– технопарклар хизматидан нафақат фаолиятини бошлайдиган корхоналар, балки янгиликларни жорий қилишнинг барча босқичларида бўлган корхоналар ҳам фойдаланиши мумкин;

– бизнес-инкубаторларнинг мижоз фирмалари инкубацион вақт тугагандан кейин инкубатордан чиқиб кетади ва мустақил фаолият юритса, технопаркнинг мижоз фирмалари технопарк таркибида узоқ муддатда фаолият кўрсатади;

– технопарклар, одатда, ер майдонларига эга ва уни мижоз фирмаларга офис қуриш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ижарага бериши мумкин.

Технопарклар КЎБ учун бизнес-инкубаторга нисбатан кўпроқ турдаги инновацион муҳитни яратади ва кенгроқ хизматлар турини кўрсатади ва булар КЎБнинг ривожланиши учун зарур бўлган моддий-техник, ижтимоий-маданий, ахборот ва молиявий базанинг яратилишига олиб келади.

Технопаркларнинг ташқи “қобиғи” – технопарк ядросига сифатли хизмат кўрсатувчи корхоналар, ташкилотлар ҳамда технопаркнинг менежерлари гуруҳи. Замонавий технопаркнинг таркибий элементлари:

Технопарк ядроси:

1. Инкубатор.
2. Фаолиятини бошловчи кичик инкубацион корхоналар.
3. Инкубатордан чиққан ўрта инкубацион корхоналар.
4. Технопарк майдони:

йирик инкубацион корхоналар.

Технопарк “қобиғи”, хизмат кўрсатиш соҳаси иккига бўлинади: малакали хизмат ва ижтимоий хизмат.

Малакали хизмат:

- университетлар;
- илмий тадқиқот институтлари;
- ўқув маркази (технопарк менежерлари, экспертлар, маслаҳатчилар тайёрлайди);

- маслаҳат маркази (иқтисодий, техник, ҳуқуқий);

- ахборот маркази (янги технологиялар, патентлар, техник ахборотлар);

- маркетинг маркази (маҳсулотни коммерциализациялаш).

Ижтимоий хизматлар:

- соғлиқни сақлаш бўйича хизматлар;

- савдо шахобчалари;

- ошхона;

- машиналар турар жойи ва ҳоказо.

Замонавий технопарклар – булар марказлар бўлиб, ҳар хил тармоқ йўналишлари мутахассисларини бирлаштиради, улар технологиялар билан эркин алмашадиган бозорда ҳаракат қилувчи тадқиқотчиларни, ишлаб чиқувчилар ва технологияларни истеъмол қилувчиларни эркин ахборот алмашиш ва коммуникация қилиш учун учраштирадиган жой [3]. Замонавий технопаркларнинг самараси уларнинг тадқиқотлар олиб бориш салоҳиятининг диверсификациялашувига боғлиқ.

Технопарклар хусусиятларига кўра ва бажарадиган вазифалар ҳажмига кўра беш турга бўлинади [7]:

1. Инновацион марказлар. Булар кўпроқ илмсиғимли технологиялар билан боғлиқ янги фирмаларни қўллаб-қувватлайди. Бунга мисол сифатида Берлин инновацион марказини келтириш мумкин. Бу марказ йиғувчи ва тажрибали конструкторлик ишланмалар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун инкубатор ҳисобланади. У корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлайди ҳамда технологик ва ташкилий масалаларни ҳал этишда кўмаклашади.

2. Илмий ва тадқиқотлар парки. Булар ҳам янги, ҳам фаолият юритаётган фирмаларга хизмат кўрсатади, университет ва илмий тадқиқот институтлари билан

яқиндан муносабатда бўлади. Бунга мисол, Кембриж илмий парки. 90 йилларда Кембриж илмий паркида 400 дан ортиқ юқори технологик фирмалар фаолият юритади, улар қўидаги соҳалар бўйича ишлайди: электроника, приборлар қуриш, дастурий таъминот ва ҳоказо. Илмий паркнинг фаолият тури кенг бўлган (тадқиқотлар олиб юриш, ишлаб чиқариш ва маслаҳат бериш).

3. Технологик парклар. Булар илмсиғимли фирмалар ва ишлаб чиқаришлар тармоғининг инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаган. Лекин уларда университетлар ва илмий тадқиқот институтлари билан алоқалари мустаҳкам бўлмаган.

4. Технологик марказлар янги юқори технологик фирмаларни яратиш билан шуғулланувчи корхоналарга хизмат кўрсатган. Уларнинг асосий мақсади – илмсиғимли кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш. АҚШда бундай паркларнинг сони 400 тадан ортиқ. Мисол сифатида Жоржия штатида, технологик институт базасида ташкил этилган Илғор технологиялар марказини келтириш мумкин.

5. Технологик ва илмий парклар конгломератлари. Буларнинг мақсади – бутун бир минтақани юқори технологик зонага айлантириш. Бунга мисол, машҳур Селикон водийси. Улар профели бўйича ҳар хил илмий тадқиқот ташкилотлари, институтлари, илмсиғимли ва хизмат кўрсатувчи фирмаларни ўз ичига олади.

Технопаркларнинг бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари сифатида қўидагиларни кўрсатиш мумкин: ташкилий шакли; қўйилган масалани ҳал этиш усуллари; бажарадиган вазифаси; маълум бир давлатда инновацион инфратузилманинг хусусиятлари. Кўпгина технопаркларнинг бир-биридан фарқ қилиши терминологиялар билан боғлиқ.

Мамлакатимизда барпо этилган «Яшнобод» инновацион технопарки республикамизнинг барча ҳудудларини инновацион ривожланишига хизмат қилишини эътиборга оладиган бўлсак уни келажакда технологик ва илмий конгломерат паркка айланади деб қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида» Фармонида кўра ва Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги инновация технопарки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорига асосан Тошкент шаҳри ҳудуди инновацион ҳудудга тенглаштирилади ва шаҳар ҳудудида инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга оширмақчи бўлган юридик ва жисмоний шахслар технопарк резиденти статусини қабул қилиш учун ариза топширишлари мумкин. Ҳозирги кунда «Яшнобод» инновация технопарки Дирекциясининг фаолияти ташкил қилинган ва резидентлик статусини олиш учун аризалар қабул қилиш йўлга қўйилган. Технопарк резиденти статусига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар бир қанча имтиёзларга, шу жумладан 10 йил муддатгача солиқлардан озод бўлиш, йиллик 7% ставка бўйича 2 йиллик имтиёзли давр билан кредит олиш ва Яшнобод инновация технопарки ҳудудида ишлаб чиқариш майдонларига эга бўлишлари мумкин.

Технопарк – бу алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат эркин илмий-техникавий зоналар бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. «Яшнобод» технопарки яратилишининг тамойиллари қўидагилар:

- илмий, технологик ва иқтисодий мақсадга мувофиқликни инobatга олган ҳолда технопарк резидентларини бутун шаҳар бўйлаб жойлаштиришни кўзда тутувчи Тошкент шаҳри ичида экшудудийлик;

- илмий доирадаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг бутун инновацион занжирини амалга ошириш учун илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолиятини интеграциялаш;

- давлатнинг молиявий ресурслари, илмий ташкилотлар ва таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари ва халқаро молиявий институтлар, донор-мамлакатлар ва венчур жамғармаларининг кредит ва грантлари ҳисобига инновацион лойиҳалар амалга оширилишини ҳаммолиялаштириш;

- илмий лабораториялар, зарур реагентлар ва чиқим материаллари, патент ва лицензия олиш, технологиялар трансфери, илмий ҳамда инновацион ишланмаларни коммерциализациялашга кўмак кўрсатишни ўз ичига олган хизмат кўрсатишнинг ягона инфратузилмасини яратиш.

Технопарк илмий ишланмалар ва тадқиқотлар, тажриба-саноат синовларини ўтказиш ва вилоятларда инновацион маҳсулотлар намуналарини ўзлаштиришга ихтисослашади:

- кимёвий технологиялар, биотехнологиялар, фармацевтика ва тиббий биотехнология, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари;

- материалларни юритиш, металлларга ишов бериш технологиялари, сейсмосбарқарорлик, қурилиш материаллари;

- озиқ-овқат саноати;

- энергияни тежаш, муқобил ва қайта ишланган энергия манбалари, электрон ўлчов асбоблари, робототехника, машина қуриш, электротехника ишлаб чиқариш.

Технопаркнинг фаолият юритиш муддати кейинги узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил этади.

«Яшнобод» технопарки резидентлари мақоми танлов асосида 10 йил муддатга берилади. Тижорат банклари лойиҳаларни амалга ошириш учун 2 йиллик имтиёз даври билан бирга 7 йилгача бўлган мудатли МБнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50%лик фоиз ставкаси билан имтиёзли кредитларни ажратади.

“Яшнобод” технопаркининг мақсади. Инновация маҳсулотлари яратишнинг барча босқичларида, шунингдек маҳаллий ва хорижий ишланмалар ва технологиялар асосида инновация, юқори технологияли ва илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорларга кўмаклашиш, инновация тадбиркорлигини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш; технопарк ҳудудида ишлаб чиқарилган замонавий хорижий ва маҳаллий технологияларнинг трансферини таъминлаш; хақаро инновацион ташкилотлар билан кооперация аълоқаларини йўлга қўйиш ва инновацион маҳсулотлар экспортини ривожлантириш; инновация тадбиркорлиги, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида самарали давлат-хусусий шерикчиликни йўлга қўйишга кўмаклашиш.

Технопарк фаолиятининг устувор йўналишлари:

- кимё технологиялари, биотехнологиялар, фармацевтика ва тиббиёт биотехнологиялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари;

- материалшунослик, металлларга ишлов бериш технологиялари, сейсмочидамлик, қурилиш материаллари;

- озиқ-овқат саноати;

энергияни тежаш, энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини яратиш;

электрон ўлчов асбоблари, робототехника, машинасозлик, электротехника соҳаларида илмий ишланмалар ва тадқиқотлар, саноат-тажриба синовлари ўтказишга ва инновация маҳсулотлари намуналарини ўзлаштириш учун беришга ихтисослашади.

«Яшнобод» технопарки давлат унитар корхонаси бўлиб, унинг бошқарув тизими мувофиқлаштирувчи кенгаш, мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи, дирекция ҳисобланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сон Фармони билан ташкил этилган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан иборат бўлган коллегиял орган ҳисобланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, илмий муассасалар ва таълим муассасаларининг «Яшнобод» технопаркини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, инновация ишланмалари негизида «стартаплар» ташкил этиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайди;

Инновация жараёнининг барча босқичларида «Яшнобод» технопарки резидентларига молиялаштиришда, шу жумладан инновация маҳсулотларининг потенциал истеъмолчилари, тижорат банклари, ҳомийларнинг, шу жумладан хорижий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштиришда кўмаклашади.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ҳисобланади, ва у мувофиқлаштирувчи кенгашни илмий-методологик материаллар билан таъминлайди.

Яшнобод технопарки дирекцияси резидентларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун бинолар ва ер участкаларини ажратишда кўмаклашади, тадбиркорларнинг инновацион лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда, маҳсулотларни экспортга кўмаклашади, Технопарк резидентларини рўйхатга олади. Технопарк инвесторлари ва резидентлари томонидан ўзлари олган мажбуриятларини бажарилишини назорат қилади.

Яшнобод технопаркининг ядросини инкубатор, инкубацияда бўлган ва инкубациядан чиққан кичик корхоналар ҳамда йирик корхоналар ташкил қилади. “Қабиғини” эса технопарк менежерлари ва технопаркка хар-хил турдаги техник, молиявий, маслаҳат, ахборот ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар ташкил қилади.

Технопаркнинг саноат ҳудудлари фаолияти натижаларини қараймиз.

Маҳаллий ва халқаро мутахассисларининг инновацион, юқори илм талаб қиладиган ва республикада янги лойиҳа бўлаоладиган илмий ишланмаларининг ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш учун технопарк 7,5 гектарлик майдонда резидентларига ер ажратиш кўзда тутилган.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига “Яшнобод” инновацион технопаркида 35 та инновацион лойиҳа эгаларига резидент мақомини берилган.

“Яшнобод” инновацион технопарки резидентлари томонидан инновацион лойиҳаларнинг амалга ошириш учун 33,6 млн. АҚШ доллари миқдорини шахсий маблағлар ҳамда 15,6 млн АҚШ доллари - кредит маблағлари жалб қилинган,

технопарк резидентлари томонидан 4,6 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган.

Резидентлар томонидан 2020 йил 1 октябрга қадар 147,6 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, шу билан бирга жами 1,1 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотларни чет давлатларига экспорт қилинган ва резидентлар томонидан 337 та янги иш ўринлари яратилган.

“Яшнобод” инновацион технопарки резидентларнинг инновацион лойиҳалар қўйидаги йўналишларга оид: кимё технология, биотехнология, фармацевтика ва тиббиёт биотехнологияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, ахборот коммуникация технологиялари ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар

Тошкент “Яшнобод” технопаркининг ривожланишидаги асосий тўсиқлар ва бартараф этиш чоралари:

- илмий изланиш йўналишлари бўйича махсус, замонавий ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ва тажриба ишлаб чиқариш хоналарнинг етишмаслиги;

- илмий тадқиқот институтлари, университетларда ишлаб чиқаришга йўналтирилган амалий тадқиқотлар бўйича изланишларни яхши йўлга қўйилмаганлиги, бу ерда фан, бизнес ва ҳокимият органлари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга;

- бизнес, фан, амалий тадқиқотлар ўртасида алоқаларнинг ўрнатилиши талаб даражасида эмаслиги, бизнеснинг инновацияларга тўлиқ ишонч билан қарамаслиги;

- инновацион бизнеснинг шаклланиши бошланғич босқичдалиги (технопарк, бизнес-инкубатор, технологик ва инновацион марказлар, технологиялар трансфери ва ҳоказо);

- энг муҳими, амалий изланиш йўналишлари бўйича малакали кадрларнинг етишмаслиги, бу ерда технологик менежерларни тайёрлашни кучайтириш, технопарк буюртмасига кўра маҳаллий ва ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларида малакали мутахассисларни тайёрлашни, илмсиғимли ва юқори технологик соҳада ишлаётган мутахассисларнинг малакасини хорижий технопаркларда оширишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади;

- технопаркни самарали ишлашнинг таъминлашда технопарк “ядроти”га (бизнес инкубаторга) хизмат кўрсатувчи барча элементларни барпо этилиши ҳам муҳим ҳисобланади;

- ривожланган давлатлар илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда амалий изланишларни олиб бориш етарли даражада эмаслиги, бу ерда халқаро ва маҳаллий патентлар бозори билан алоқа ўрнатиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва технологиялар трансфери орқали технопаркларни глобал инновацион тармоққа киритиш, хорижий технопарклар билан ҳамкорликни ўрнатиш ва технопаркнинг фаолияти натижаларини баҳолаб бориш, технопаркларни ривожлантириш бўйича тадқиқотларни йўлга қўйиш масалаларининг ечилиши муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги масалаларнинг ечими натижасида келажакда “Яшнобод” технопарки мамлакатимиз иқтисодиёти инновацион ривожланишининг драйверига айланади деб қараш мумкин.

Мақоланинг амалий аҳамияти, мақолада ишлаб чиқилган таклифлар

мамлакатимизда энди шаклланаётган технопаркларнинг таркибий элементларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.
2. Агентство по развитию инновационного предпринимательства. // [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.uzip.ru>.
3. Абдусатторов Х.М., Инновация стратегияси / Ўқув қўланма.- Тошкент: ТДИУ, 2011.- 278б.
4. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.К., Гольдман Е.Д., Инновацион менежмент. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, ТДИУ., 2011. – 312б.
5. Лазарев В.С. История и зарубежный опыт создания и деятельности технопарков и бизнес инкубаторов. / В.С. Лазарев, Т.А. Демещик. – Минск: РУП “Технопарк БНТУ”. “Метолит”, 2007. – 357 с.
6. Лю Сяоцзюань. Технопарки в мировой экономике: особенности развития и регулирования в Китайской Народной Республике. Автореферат дисс., 2020 г. С. 25.
7. Пинячин Ю., Лю Сяоцзюань. // Технопарки как элемент инновационной инфраструктуры страны. Банкаўскі веснік, Снежан, 2016. <http://www.nbrb.by>articles>.
8. Цели и задачи Технопарков. <https://www.taduiser.ru/index.php/>
9. Стулов О.В., Чевычелова Н.Е. // Технопарк как форма научно-технической модернизации экономики. Вестн. Моск. Ун-та, сер. 6. Экономика. 2010. № 3.
10. Технопарки России. <https://www.tadviser.ru>>.
11. Умаров И.Ю., Саидкаримова С.С., Облоқулова Ш.Б., Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали, июль-август, 2015 й.
12. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менежмент: учебник для ВУЗов. / Р.А. Фатхутдинов. – СПб: Питер, 2007. – 448 с.
13. Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О., Зайнутдинов Ш., Инновацион менежмент. Дарслик. – Г.: Академия, 2005.-119б
14. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.К., Гольдман Е.Д., Инновацион менежмент. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, ТДИУ., 2011. – 312б.
15. <http://refdb.ru/luuk/2045834-P2.html>.